

ИСМОИЛБЕК ХАЗРАТЛАРИ

Мархум ходимул миллат Исмоилбек хазратлари 1268 хижрий, мутобик 1851 милодия санасинда Кирымнинг Гаспра қариясинда дунёга келиб, Маскав эъдодий аскарӣ мактабинда ўқуган. Андан сўнгра Истанбул ва Парижга амалий ва назарӣ икмоли таҳсил этиб, Русияга кайтиб, «Русияда мусулмонлар» ном русча бир китоб ёзиб, Русия мусулмонларининг илмӣ, ижтимоӣ ва сиёсий ҳуларидан баҳс ва Русия мусулмонларини ҳимоя этган.

Хижрий 1297, милодий 1880 санасинда Кирымнинг мусулмон мадрасасинда русча муаллим тайинлангандурлар. 1883 милодия 10 апрелдан бошлаб мўътабар «Таржумон» гарро жаридасини миллати ислом ва турклик хизмати учун чиқарган, Ва мусулмонларни нодон қисми тарафидан изо ва жафолар чеккан. Қашшоқлиги сабабли ўзи ва хотини ила «Таржумон» ни ёзмок, тартиб этмок, ҳарф термок ва почтага топширмак тўғрисидаги огир ишларни ишлаган ва ҳатто, баъзан босмаҳонанинг мошина қарҳини ўзлари қуч ва қўл ила айлантурган. Ва ҳар нав меҳнат ва қулфатларни ўзига раво қўруб миллатни уйғотмокга, дунёдан, сиёсати оламдан, маданий миллатларни ҳолидан ҳабардор бўлмоқлари учун жисман ва руҳан ҳеч тинмасдан 35 сана ишлагандурлар.

Мусулмонларни дунёдан ҳабардор қилмок учун бутун Русияда, Туркия, Миср, Тунис, Жазоирда, Хинд ва Африкода, Туркистон ва Бухорода дафъалар ила саёҳат этиб, ҳар ерда мусулмонларни маданияти замонияга, улум ва фунуни асрияга, саноат ва тижорати қаринага ва рус маданиятига даъват ва ташвиқ этгандурлар. Усули савтия мактабларини Русияда бонийи муассиси Исмоилбек хазратларидур. Биринчи янги усул алифбони мураттиб ва ношири яна Исмоилбек хазратларидур. Тараққиёти замонияга ялғуз даъват эмас, фаълан ҳаракатда бўлуб, ҷамияти ҳайрия, қироатҳона, тараққиюни ислом, таовун ҷамиятлари ва буларга ўхшаш асосларга тааллуқ низомномалар тузатиб, ҳалқ аросинда нашр этиб, бу кун адади юзлар ила Русияда мавжуд илмӣ ва маданий ҷамиятларни барпо этдургандурлар.

Ал-он Русиядаги минглар ила низомлик мактаблар ва собик нашр бўлган ва ҳозир фаълан нашр бўлуб турган юзлар ила исломӣ мажалла ва жаридаларнинг барча муҳаррир ва мудирлари ул зоти студа сифотни шогирдидурлар. Шундайки, бу кунда Русия мусулмонла-ри ичинда ҳар бир жаридаҳон ва ҳар бир муаллим ва ҳар усули савтия мактабларининг шогирди ва ҳар бир жариди муҳаррири марҳумнинг билвосита шогирдонидандурлар. Яъни устози муаззамнинг букун Русия мусулмонлари аросинда

милйўнлар ила уламодан мухарририн ва муаллиминдан ва ўқувчилардан шогирди бордур. Хам кандай шогирд! Ўттуз санадан бери доимо онга дарс ўқийдургон шогирдлардур. Яна бу шогирдлар ўз охир умрларинча устоднинг анфоси кудсияси сабаби ила илалабад жорий афкори олиясидан дарс ва файз олмокда бўлурлар.

Хулоса, Исмоилбек хазратлари сулс асрдан зиёда айём тадрисинда милйўнлар ила мусулмонларга доимо дарс берди. Энди илалабад анинг афкори ва рухи ададсиз ва нихоясиз мусулмонларга дарси урфон берар... Хулоса, Русия мусулмонлари ичинда мундай бир зот келган йўқдур. Ана ушбу зоти ноёб ушбу сана бешинчи зулкаъда — 12 сентябрда бу олами фонийдан рихлат этиб, бутун дунё мусулмон уърафоларини асири ёс ва алам этди. Рахматуллохи алайхи рахматан ва асъатан.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 50-сон, 1186—1188-бетлар.